

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**АСҚАРОВА ЗИЛОЛА АБДУМАВЛОНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА  
АЁЛЛАР ОБРАЗИ**

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Асқарова Зилола Абдумавлоновна**

Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида аёллар образи.....5

**Асқарова Зилола Абдумавлановна**

Образ женщины в современном изобразительном искусстве Узбекистана.....25

**Askarova Zilola Abdumavlonovna**

The image of women in modern fine arts of Uzbekistan.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**АСҚАРОВА ЗИЛОЛА АБДУМАВЛОНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА  
АЁЛЛАР ОБРАЗИ**

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/San85 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Бадий Академияси тасарруфидаги Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.mrdi.uz](http://www.mrdi.uz)) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хакимов Акбар Абдуллаевич**

санъатшунослик фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, Ўзбекистон Бадий академияси  
академиги

**Расмий оппонентлар:**

**Алиева Сурайё Шариповна**

санъатшунослик фанлари доктори

**Абдуллаев Машариб Сайдаматович**

санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти**

Диссертация ҳимояси Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.38/09.07.2020. San.119.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Тел.: (+99871) 255-98-39, факс: (+99871) 255-18-33, e-mail: [info@mrdi.uz](mailto:info@mrdi.uz)).

Диссертация билан Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Тел.: (+99871) 255-98-39, e-mail: [info@mrdi.uz](mailto:info@mrdi.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Д.М.Қодирова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, санъатшунослик фанлари доктори

**Б.Ю.Сангиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**А.А.Зияев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, архитектура  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда глобал иқтисодий ўзгаришлар жараёнида халқлар санъатида миллий ўзликни сақлаб қолишга эътибор тобора кучаймоқда ва замонавий тасвирий санъат жаҳон маданиятида кечаётган замонавий интеграцион жараёнларни акс эттирувчи асосий сегментлардан бири ҳисобланмоқда. Шу муносабат билан замонавий тасвирий санъат соҳасидаги жараёнлар ва муаммоларнинг ечимида халқларнинг маънавий ва маданий хусусиятлари ҳамда ижтимоий нуқтаи назардан муҳим мавзу – жаҳон санъатининг ўзаги ва жаҳон бадиий санъатшунослигининг устувор йўналиши бўлган аёл образи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда замонавий санъатшуносликдаги илмий изланишларда хотин-қизлар масалалари жаҳон тасвирий санъатидаги етакчи тенденциялар ва оқимлардаги услубларни белгиловчи муҳим омиллардан бири сифатида устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, санъатшуносликда аёллар масалаларига санъатда инновацион жараёнларни шакллантиришнинг омили сифатида, шунингдек, унда хотин-қизларнинг гендер сиёсати ва жамиятнинг барқарор ривожланиши учун долзарб масалаларни илмий нуқтаи назардан талқин этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Сўнги йилларда Республикамизда санъатшунослар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда замонавий тасвирий санъатнинг ривожланишига таъсир этаётган муҳим омиллар ҳамда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, гендер сиёсати ва санъатшуносликда ечимини кутаётган кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлаётган масалаларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида аёллар образини очиб бериш ишнинг заруратини белгилайди. “Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий санъатига кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, хусусан, рассом ва ҳайкалтарошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари кўзга ташланаётганини ижобий баҳолаш лозим”<sup>1</sup>. Бу борада мустақиллик даври Ўзбекистон тасвирий санъатидаги янги тенденцияларни таҳлил этиш, замонавий рассомлар яратган аёллар образини эстетик концепцияларини аниқлаш, соцреализм санъатига нисбатан тубдан ўзгарган талқинини ва мажозий, Шарқ гўзаллиги ғояси кесимида рассомлар томонидан яратилганини таҳлил қилиш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 16

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3219-сон қарори // «Халқ сўзи», 2017 йил 17 август.

августдаги ПҚ 3219-сон “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикаси миллий маданиятини янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарор ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон тасвирий санъати ўзига хос тарихий-бадиий ривожланиш босқичида кўплаб изланувчилар, санъатшунослар, археологлар ва бошқа тадқиқотчиларнинг диссертациялари, илмий мақолалари ҳамда монография каби адабиётларида тадқиқ этилди. Л.Жадова, А.Умаров, М.Земская, Р.Тоқтош, Д.Саидова, В.Лаковская, М.Мюнц, Л.Шостко, Т.Каптерева, Н.Виноградова, Л.Гюзальян, А.Эгамбердиев<sup>2</sup> изланишларида муайян тарихий-назарий масалалар кўтарилган бўлиб, А.Ҳақимов, Н.Аҳмедова<sup>3</sup>ларнинг тадқиқотларида Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатини ўрганиш борасидаги янги назарий ёндашувлари, унинг маънавий, анъаналар, замонавий жараёнлар билан боғлиқлиги ўз ифодасини топиб, миллий санъат масалаларини ўрганиш борасида фанлараро ёндашув ва маданиятшунослик жиҳатларига эътибор қаратилган. Д.Пўлатов ва Ғ.Мамбеткадиров<sup>4</sup>лар Ўзбекистон

---

<sup>2</sup> Жадова Л. Современная живопись Узбекистана. – Ташкент, Государственное издательство художественной литературы УзССР. 1962. Умаров А. Портретная живопись Узбекистана. Дис. – Ташкент, 1962. Земская М. Александр Волков. Мастер Гранатовой чайханы. – Москва, СХ, 1975. Такташ Р. Изобразительное искусство Узбекистана /вторая половина XIX в.-50е гг. XX в. – Ташкент, Фан. 1972. Саидова Д. Историко-революционной жанр в живописи Узбекистана. – Ташкент, 1977. Лаковская В. Послевоенная станковая живопись Узбекистана. – Ташкент, Фан. 1991. Шостко Л. Виктор Уфимцев. – Ташкент, Издательство литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1984. Каптерева Т, Виноградова Н. Искусства средневекова Востока. – Москва, 1989. Гюзальян Л, Дьяконов М. Иранские миниатюры в рукописях Шах-намэ Ленинградских собраний. – Москва – Ленинград, Государственный Эрмитаж, 1935. Эгамбердиев А. XX аср Ўзбекистон рангтасвирида картина ривож: докторлик диссертацияси. Сан. фан. доктори. – Тошкент, 2009.

<sup>3</sup> Ҳақимов А. Новая узбекская живопись: тематика и стиль. – Ташкент, 2014. Аҳмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент, 2004.

<sup>4</sup> Пўлатов Д. Ўзбекистон замонавий ҳайкалтарошлигининг ривожланиш тамойиллари. Дис. – Тошкент, 2008. Мамбеткадиров Ғ. Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигининг шаклланиши ва ривож (XXаср 60-йиллари XXI аср бошлари). Санъатшунослик фанлари бўйича Фалсафа Доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.

хайкалтарошлигининг янги ижодий тамойил ва ёндашувлари, касбий-бадий масалалар каби ривожланиш омилларининг асосий тамойиллари тадқиқотларида кўриб чиқилган. 1920–1930-йиллар рангтасвири Ўзбекистон тасвирий санъатининг ривожланиш жараёни ва Ўзбекистон музейларида миллий рангтасвир коллекцияларининг шаклланиши Д.Алимкулова, Н.Култашева<sup>5</sup> изланишларида ёритилган бўлса, Д.Умарова<sup>6</sup>нинг илмий ишида мустақиллик даври Ўзбекистон рангтасвирининг асосий тенденциялари ўрганилди.

Рассомлар томонидан яратилган аёллар образини илмий ўрганишда халқаро, минтақавий ва республика доирасидаги кўرғазмалар, альбомлар ва каталогларга ҳам таянилди. Рассомларнинг устахоналари билан танишув, улар билан санъат муаммолари тўғрисида олиб борилган суҳбатлар тадқиқотни амалга оширишда катта фойда берди. Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатига доир масалаларни ёритишда тадқиқотчиларнинг қўшган муҳим ҳиссасини эътироф этган ҳолда, замонавий тасвирий санъатда аёллар образига бағишланган тадқиқот олиб борилмаганини таъкидлаш мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ПЗ-2017-0930403 “Ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашда ислом тасвирий санъатининг ўрни” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида аёллар образини санъатшунослик фани ва гендер тушунчаси нуқтаи назаридан очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

замонавий тасвирий санъатда аёллар образининг тарихий кесимини ўрганишда Ўрта Осиё қадимги, ўрта аср ва 1920-1980 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатида аёллар мавзусининг ўрнини таҳлил қилиш;

мустақиллик йиллари рангтасвирида яратилган она образини ва аёллар сиймосини оилавий мавзу кесимида очиқ бериш;

тасвирий санъатда ёш қизлар образининг лирик романтик мавзулар кесимида ўрганиш;

Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги, графика санъати ва замонавий миниатюрада аёллар образини очиқ бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида аёллар образининг асосий тенденциялари, анъаналар, новаторлик изланишлари белгиланди.

---

<sup>5</sup> Алимкулова Д. 1920 – 1930 йиллар рангтасвири Ўзбекистон тасвирий санъатининг ривожланиш жараёни кесимида. Монография. – Тошкент, 2020. Култашева Н. Ўзбекистон музейларида миллий рангтасвир коллекцияларининг шаклланиши. Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020.

<sup>6</sup> Умарова Д. Мустақиллик даври Ўзбекистон рангтасвирининг асосий тенденциялари. Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.

**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистон тасвирий санъатида аёллар образига бағишланган асарлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Танланган мавзуни ўрганишда санъат тарихи ва назарияси соҳасида кенг қўлланиладиган қиёсий таҳлил, тарихийлик, индуктив ва дедуктив усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон санъати тарихининг тадрижий ривожланишида аёллар образи қадимги даврларда “маъбуда”, ўрта асрларда психологик талқиндан озод бўлган “малика” ҳамда совет даврида “меҳнаткаш қатнашчи” сифатида яратилгани аниқланган;

мустақиллик даври рангтасвирида яратилган аёллар образининг эстетикаси, ички психологияси, уларнинг мазмуний интонацияси ва услубий жиҳатлари, дидактик ва оптимистик кайфият билан тасвирланган соцреализм санъатининг реалистик асарларига нисбатан тубдан ўзгарган талқинида гендер тенглигининг устуворлиги исботланган;

мустақиллик даври янги ўзбек тасвирий санъатида машҳур бўлган ишқ ҳамда лирик-романтик мавзу ёш қизлар образининг мажозий, Шарқ гўзаллиги ғояси кесимида умумий гедонистик эстетиканинг таркибий қисми сифатида рассомларнинг бадиий онгидаги Шарқ эстетикасининг нозик пластикасига бўлган содиқлик, маҳаллий бадиий мерос анъаналари билан боғлиқлик ҳамда дунёни гедонистик идрок қилинишини образли ифодаланиши очиб берилган;

маҳобатли ва дастгоҳли ҳайкалтарошлиқда, графикада аёллар образининг мажозий талқини реализм, авангард ва постмодернизмга мансуб кўникмалар орқали яратилганлиги, ижтимоий тарихий, фалсафий дунёқарашли, бадиий-эстетик ўзгаришлар, анъанавий-реалистик йўналишлар билан бирга, кўп асрлик ноёб бадиий, этномаданий, миллий ҳамда хорижий анъаналар ҳам ўзлаштирилганлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тасвирий санъатини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, телекўрсатув, радиоэшиттириш тайёрлаш, ҳужжатли фильмлар яратиш ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда манба сифатида қўлланилган;

Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатидаги илғор ижодий тажрибаларни замонавий бадиий жараёнга кенг татбиқ этиш ва миллий тасвирий санъатга оид ижодий изланишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

санъат йўналишига ихтисослашган ўрта махсус ва олий таълим муассасалари талабаларининг “Ўзбекистон замонавий тасвирий санъати” фанига оид дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни яратишда хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган илмий ёндашув усуллари ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, замонавий санъатшуносликнинг синалган усуллари ҳамда назарий ёндашувларнинг қўлланилгани, архив материаллари ва каталог



тизими каби бирламчи манбаларга асослангани, илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти санъатшунослик соҳасида фаолият юритаётган олимлар, изланувчилар, умуман санъатшунослар учун керакли манба сифатида ҳамда замонавий рангтасвирга комплекс ёндашув ва илғор назарий методларнинг қўлланилгани мавжуд ижодий изланишларни кенг доирада ўрганиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумот ва хулосалардан Ўзбекистонда замонавий рассомлар ижодини ўрганишда, Ўзбекистон замонавий ҳайкалтарошлиги, графикаси ва миниатюра санъати, санъатшунослик, маданиятшунослик фанларидан тайёрланадиган дарслик ва ўқув қўлланмалар учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида аёллар образини талқин қилиш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Мустақиллик даври рангтасвирида яратилган аёллар образининг эстетикаси, ички психологияси, уларнинг мазмуний интонацияси ва услубий жиҳатлари, дидактик ва оптимистик кайфият билан тасвирланган соцреализм санъатининг реалистик асарларига нисбатан тубдан ўзгарган талқинида гендер тенглигининг устуворлиги мавзусидаги илмий натижаларидан Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида 2019 йил 15 майдан 6 июнга қадар фаолият юритган “Тасаввуф ва тасвир” номли кўرғазмани ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадиий академиясининг 2021 йил 3 майдаги 03-09/110-647-сон маълумотномаси). Натижалар асосида мустақиллик даври рангтасвирида аёллар образи ифодаланган тасвирий санъат асарлари намойиш этилган кўрғазмадаги кураторлик фаолияти Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида “Тасаввуф ва тасвир” номли кўрғазмани самарали ташкил этилиши ҳамда кўрғазманинг бадиий салоҳиятини оширишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” телеканали Маҳобатли ва дастгоҳли ҳайкалтарошликда, графикада аёллар образининг мажозий талқини реализм, авангард ва постмодернизмга мансуб кўникмалар орқали яратилганлиги, ижтимоий тарихий, фалсафий дунёқарашли, бадиий-эстетик ўзгаришлар, анъанавий-реалистик йўналишлар билан бирга, кўп асрлик ноёб бадиий, этномаданий, миллий ҳамда хорижий анъаналар ҳам ўзлаштирилганлиги асосланган материаллардан “Тарихий савол” кўрсатувининг сценарийларини тайёрлашда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 2021 йил 24 февралдаги 40-40-280-сон маълумотномаси). Натижада, замонавий миниатюрада аёллар образининг бадиий ечими, уларнинг бадиий талқини, бадиий таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар, замонавий миниатюра рассомлари ижоди, замонавий миниатюра санъати кўринишлари ҳамда китобот санъатининг

тарихи каби тадқиқот натижаларида келтирилган муҳим масалалар “Тарихий савол” кўрсатуви орқали ёшларни замонавий миниатюра санъати тўғрисидаги кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган.

ЎзР ФА Санъатшунослик институтида Давлат илмий – техника дастурлари доирасида 2018 – 2020 йилларда амалга оширилган 599 ПЗ-20170928456 “XIX XXI асарларда Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатида миллий ўзига хосликнинг шаклланиш жараёни: асосий босқичлар, машхур усталар, ривожланиш муоммолари” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида “Мустақиллик даври янги ўзбек тасвирий санъатида машхур бўлган ишқ ҳамда лирик-романтик мавзу ёш қизлар образининг мажозий, Шарқ гўзаллиги ғояси кесимида умумий гедонистик эстетиканинг таркибий қисми сифатида рассомларнинг бадиий онгидаги Шарқ эстетикасининг нозик пластикасига бўлган содиқлик, маҳаллий бадиий мерос анъаналари билан боғлиқлик ҳамда дунёни гедонистик идрок қилинишини образли ифодаланиши очиқ берилган” мавзусидаги диссертациядан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 15 сентябрдаги № 3/1255-2497-сон маълумотномаси). Натижада, мустақиллик даври рангтасвирида гендер мавзуси ва аёллар образлари маънавий, миллий қадриятларнинг рамзий ифодаси уйғунлашуви асосида яратилганлиги, Ўзбекистон рассомлари томонидан аёл ва қизлар образларининг мажозий, Шарқ гўзаллиги ғояси кесимида талқин этилгани алоҳида услубий ижодий йўналиш ва бадиий тенденция сифатида шаклланганлигини асословчи илмий хулосаларнинг кенгайтишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 6 та республика ва 4 та халқаро конференцияларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий мақола нашр этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, хорижий журналларда 3 та илмий мақола, 18 та бошқа илмий-оммабоп журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та асосий боб, ҳар бир бобда 3 тадан бўлимлари мавжуд. Хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Иловада рангли альбом келтирилган. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланган, Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот предмети ва объекти аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, натижаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги баён этилган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўзбекистон тасвирий санъатида аёллар образи талқинининг тарихий кесими”** деб номланиб, у уч бўлимдан иборат. Унда Ўзбекистон санъати тарихига назар ташланиб, мазкур даврларда яратилган аёллар сиймоси тасвирланган топилмалар, тасвирий санъатнинг ривожланишидаги асосий муаммолар, узвийлик хусусиятлари, 1920 – 1980 йилларга оид рангтасвир санъатига хос тезкор тарихий-бадий ривожланиш жараёнининг хусусиятлари аёллар образи орқали очиб берилган. Ҳамда қадимги дунё санъатидан то 1980 йилларгача тасвирий санъатнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган турли омиллар юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотларнинг ўрганилганлиги ўз аксини топган. Биринчи бўлим **“Мавзунинг санъатшунослик фанидаги ўрганилганлиги: илмий қиёсий шарҳи”** деб номланган. Унда Ўзбекистон тасвирий санъатида қадимги ва ўрта асрларда яратилган аёллар образининг талқини ва ўрганилиши билан боғлиқ турли адабиётлар, каталоглар, журналлар, мақолалар кўриб чиқилган.

Ўзбекистон тасвирий санъатида қадимги дунё ва ўрта аср санъати талқини аввал тадқиқот ишлари олиб борган Г.Пугаченкова, Л.Ремпель, О.Галеркина, Т.Каптерева, Н.Виноградова, Л.Гюзальян, М.Дьяконов, Е.Полякова, З.Раҳимова<sup>7</sup> каби олимларнинг илмий тадқиқотларида акс этган бўлиб, ушбу адабиётларда аёллар образини таҳлил қилинганда, асосан аёлларнинг тарихий мазмунига (семантика) ва бадий услубига эътибор берилган.

Қадимги ва илк ўрта асрларга бағишланган илмий адабиётларда аёл образининг тасвири асосан худо, илоҳа сиймосида, терракоталарда, рамзий маънони ифода этувчи ҳайкалларда, тангаларда берилгани, антик давр санъатида эса аёл тасвири ҳосилдорлик ва фарзанд кўриш рамзи сифатида талқин қилингани, мазкур қадимий анъана инсоният тамаддуни аввалида шаклланган бўлиб, турли ташқи таъсирларга қарамасдан, ҳозиргача сақланиб қолгани тўғрисида фикр юритилган.

Л.Жадова, В.Лаковская, М.Земская, Т.Маҳмудов, Д.Саидова, Р.Тоқтош, А.Умаров, А.Эгамбердиев, А.Хақимов, Н.Аҳмедова, Д.Пўлатов,

---

<sup>7</sup> Пугаченкова Г.А, Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – Москва, 1965. Каптерева Т, Виноградова Н. Искусства средневекова Востока. – Москва, 1989. Гюзальян Л, Дьяконов М. Иранские миниатюры в рукописях Шах-намэ Ленинградских собраний. – Москва – Ленинград, Государственный Эрмитаж, 1935. Полякова Е.А, Рахимова З.И. Шарқ миниаюриси ва адабиёти. – Тошкент, 1987.

Ғ.Мамбеткадиров, Д.Алимкулова ва Н.Култашеваларнинг<sup>8</sup> тадқиқотларида эса 1920 – 1980 йиллар тасвирий санъатининг асосий тамойиллари ва тенденциялари таҳлил қилинган.

Ўзбекистоннинг янги санъати аввалги соцреализмнинг назарий қоидаларидан фарқланадиган замонавий методологик ёндашувларни талаб этади. Умуман олганда, ушбу бўлимда кўрсатилгандек, қадимги дунё санъатидан замонавий тасвирий санъатгача яратилган аёллар образини гендер нуқтаи назардан илмий таҳлил қилиш, замонавий санъатшунослик ва фалсафа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда кенг, фанлараро ёндашувни талаб қилган ҳолда ёритилган. Юқорида санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг ишлари диссертация учун муҳим ёрдамчи манбага айланди. Бундан ташқари Ўзбекистон Миллий архиви ва Ўзбекистон Давлат санъат музейи архивидаги қўлёзма манбалар ўтган аср бошидаги бадиий жараёнларни ҳаққоний очиб беришда катта хизмат қилди.

1990 йиллардан бадиий жараёнларни тарихий-маданий контекстда янги методологик ёндошувлар асосида тадқиқ этиш долзарб тус олди. Ўзбекистон замонавий тасвирий санъати “San`at” журналидаги олимларнинг илмий мақолаларида фанлараро ёндошувдаги санъатшунослик таҳлили қўлланилди. Хусусан, А.Ҳакимов, Н.Норматов, Н.Ахмедова, К.Акилова каби олимларнинг илмий мақолаларида Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатидаги янги масалалар кўтарилди. Мустақиллик даврида яратилган аёллар образини талқин қилишда рассомлар Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Мирзаев, А.Нур, Л.Ибрагимов, Ф.Аҳмадалиев, Б.Исмаилов<sup>9</sup> ва бошқаларнинг ижодига бағишланган каталоглар муҳим аҳамият касб этди.

Иккинчи бўлим **“Ўрта Осиё қадимги ва ўрта аср санъатида аёллар образининг бадиий ифодаси”** деб белгиланган. Унда санъатни дастлабки шакллариининг пайдо бўлиши, қоятош суратлар, топилган аёллар образи тасвирланган кичик терракота ҳайкалчалар, ўрта асрларда аёллар

---

<sup>8</sup> Жадова Л. Современная живопись Узбекистана. – Ташкент, Государственное издательство художественной литературы УзССР, 1962. Умаров А. Портретная живопись Узбекистана. Дис. – Ташкент, 1962. Земская М. Александр Волков. Мастер Гранатовой чайханы. – Москва, СХ, 1975. Такташ Р. Изобразительное искусство Узбекистана /вторая половина XIX в.-50е гг. XX в.– Ташкент, Фан. 1972. Саидова Д. Историко-революционной жанр в живописи Узбекистана. – Ташкент, 1977. Лаковская В. Послевоенная станковая живопись Узбекистана. – Ташкент, Фан. 1991. Ҳакимов А. Новая узбекская живопись: тематика и стиль. – Ташкент, 2014. Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. –Ташкент, 2004. Пўлатов Д. Ўзбекистон замонавий ҳайкалтарошлигининг ривожланиш тамойиллари. Дис. – Тошкент, 2008. Мамбеткадиров Ғ. Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигининг шаклланиши ва ривожини (XXаср 60-йиллари - XXI аср бошлари). Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. Алимкулова Д. 1920 – 1930 йиллар рангтасвири Ўзбекистон тасвирий санъатининг ривожланиш жараёни кесимида. Монография. – Тошкент, 2020. Култашева Н. Ўзбекистон музейларида миллий рангтасвир коллекцияларининг шаклланиши. Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020.

<sup>9</sup> Умарбеков Ж. Каталог. – Тошкент, 2016. Жалолов Б. Каталог. – Тошкент, 1999. Нур А. Живопись. – Тошкент, “San`at” журнали нашриёти, 2013. Исмоилов Б. Живопись графика. – Тошкент, 2011. Мирзаев А. Пастель, қаламтасвир, рангтасвир. – Тошкент, 2018. Жалолов Б. Каталог. – Тошкент, 1999. Аҳмадалиев Ф. Каталог. – Москва, 2016.

сиймосининг ўрни ҳамда қадимги даврларда аёллар ҳуқуқларига оид илк қарашлар масалаларига бағишланган.

Санъатнинг энг қадимий даврларидаги топилмалар, кичик терракота диний ҳайкалчалар, асосан деҳқончилик тангрлари билан боғлиқ аёллар сиймосидаги ҳайкалчалардан иборат бўлган. Мазкур бобда Кушон даври Зартепа, Холчаён, Кўктепа, Далварзинтепа, Бароттепа, Балх, Шаҳрибону, Узунқир, Ерқўрғон қадимий шаҳарларидан топилган аёллар ҳайкалчалари, Айритом фризи, Афросиёб деворий суратлари, Самарқанд осори атиқалари<sup>10</sup>, терракоталар яшаш учун қолиплар, остадонларга бўртма қилиб ишланган аёллар тасвири мазкур бобда ўрганилган.

Ўрта Осиё санъатида Улуғ она илоҳа образи бошқа илоҳалар образига нисбатан кенг тарқалгани, чунки ушбу илоҳа ўзида бир неча илоҳани мужассамлаштирган, бироқ бир-биридан вазифаси жиҳатидан фарқланувчи типлардан иборат эканлиги таҳлил қилинган.

Ўзбекистон ҳудудидаги эллин аънаналари илк антик ва ўрта антик даврларда яққол ўз ифодасини топиб, бу даврда тасвирий санъатда мифологик мавзу етакчилик қилгани, Далварзинтепадаги кўплаб топилмалар сулолавий мавзунинг, тимсоллар илоҳийлашувининг аста-секинлик билан ортиб боришидан далолат беради<sup>11</sup>. Аёл ҳайкалчаларида реалистик талқинда тимсолнинг алоҳидалиги, аста-секинлик билан унинг мавҳумликка, образли тасвирга ўтиши кучайиб бориши кузатилади.

Марказий Осиё ерларида диний тушунчаларнинг ривожланиши ва санъатнинг унга хизмати, магия, тотемизм, анимизм тасаввурларининг пайдо бўлгани, диний қарашлар, ўлганлар руҳи тушунчалари аниқ ашъвий далилларда ўз аксини топган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестода оила эрки, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, онанинг уй ва жамоадаги мавқеи масалалари келтирилган. Шулардан бири илоҳий она, ҳосилдорлик тимсоли Анахита образи бўлиб, бўлимда ушбу аёл образи талқин қилинган.

Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши (VII–VIII аср боши) билан ислом дини ақидаларига асосланган янги эстетика шаклланди. Ислом маданияти қадимий маданият ва янги одоб-ахлоқ меъёрларига ўз тузатишларини киритган. Маънавият, ахлоққа оид қатъий кўрсатмалар бу соҳада жиддий ўзгаришни юзага келтирган. Сурат ва ҳайкалларда инсоннинг танаси пардалаб ифодаланган. Рассомлар ҳиссиётлар ифодалигини ошириш мақсадида кўпроқ нақшлардан фойдаланишган. Илоҳий ва аёлга хос гўзалликнинг бир-бирига ўхшашлиги, нафақат тасвирий санъатда, балки шеърятда ҳам вужудга келгани очиқ берилган.

Ўрта аср мусулмон Шарқининг долзарб мафкуравий йўналиши бўлмиш – сўфийлик кесимида аёллар образларининг санъатшуносликка оид реконструкцияси талқин қилинган. Шу билан бирга, Шарқ миниатюрасида

<sup>10</sup> Ўзбекистон мусиқий мероси Давлат Эрмидажи тўплами (Биринчи қисм), (Санкт-Петербург, Россия) – Тошкент, “SILK ROAD MEDIA”, “EAST STAR MEDIA”. 2020. Давлат Эрмидажи. Ўзбекистон мусиқий мероси Россия тўпламида. – Тошкент, “SILK ROAD MEDIA”, “EAST STAR MEDIA”. 2020.

<sup>11</sup> Пидяев Ш.Р. Поселения кушанского времени. – Тошкент, 1978.

аёллар образи тасвирий санъатнинг мустақил асарларини яратиш сифатида эмас, балки шеърый асарларни тасвирлайдиган, китоб миниатюраси жанрида иштирок этувчи ҳосила материал сифатида баҳоланиши ҳам тасвирий санъат билан сўфийлик ўртасида бевосита боғлиқлик бўлиши мумкинлигини тасдиқлайди. Шу тариқа, миниатюра санъатидаги аёллар образлари мавзусини уларни нафақат дунёвий, балки муқобил, рамзий англаш позициясидан муҳокама қилиш имконини берди. Негаки, ушбу усул воситасида миниатюра тасвирий санъатида аёллар образларининг функционал аҳамияти масаласида асл моҳиятни аниқлашга уриниш имконияти туғилди. Аёллар тоифасига мансуб образлар қаторига мусулмон афсоналари гуруҳи вакиллари (санамлар, парилар, хурлар) кирган бўлиб, улар сўфийлик тариқатида маънавий унсурлар, юқори оламнинг аёл тимсолидаги гавдаланиши сифатида иштирок этган ҳолда, изосемантик йўналишга эгадирлар.

Темурийлар даври миниатюра санъатида эса аёллар образи ушбу нодир санъат турининг маъноли дунёқарашига эга бўлган асосий образ ҳисобланади. Шарқ миниатюра санъатида аёллар образи ўрта аср ислом маданиятининг ўзига яраша кичик модели бўлиб, ўрта аср шоирлари ва рассомларининг диний, фалсафий, эстетик ва бошқа кенг миқёсдаги қарашларини намойиш этади. Аёллар образи талқини илоҳий тушунчадан кундалик, дунёвий, реал тушунчага қадар ишлангани илмий ишда асослаб берилган<sup>12</sup>.

Бобнинг учинчи қисми **“1920-1980 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатида аёллар мавзусининг ўрни”** деб номланган.

Ўзбекистон тасвирий санъатида 1920 – 1980 йиллар умумий маданият тарихининг узвий қисми бўлиши билан бирга олдинги даврлардан мутлақо ўзгача жараёни ўзида намоён этади. Тасвирий санъатнинг янги шакллари вужудга келиши ва ривожланиши жараёни ўз хусусиятларига эга. Ғарб ва Шарқ феномени негизидаги рассомлар А.Волков, А.Николаев, О.Татевосян, В.Уфимцев, М.Курзин кабилар ижоди ўз индивидуал хусусиятлари билан табиий равишда ажралиб туради.

1920 – 1930 йиллар бошлари рангтасвирда гедонизм фалсафаси яъни маишат эстетикасининг устуворлиги кўзга ташланади. А.Волков ижодида аёллар образи ёрқин ранг ритмида, ижтимоий макондан ташқаридаги медитатив, мистик ва гедонизм фалсафасини ифода этади. О.Татевосян асарларида эса экзотик шаклда талқин этилган.

1920 йилларнинг охирига келиб, устувор ўзгаришлар юз берди ва инсонлар мафкуравий қарашларга эргашдилар. Гедонистик утопия даври ўтиб, янги утопия – ижтимоий реализм даври бошланди. Ўзбекистон санъати тарихида 1930 йиллар ва 1950 йиллар рассомларининг аввалги ижодий тушунчаларини бузиб кўрсатиш, совет санъатида диктатуранинг ягона

---

<sup>12</sup> Акилова К. Жаҳон бадиий маданиятида Камолиддин Бехзод ижодининг ўрни. // SAN'AT, 2020. – №3, 9 б.

услубини ўрнатиш учун шиддатли кураш даври бўлди<sup>13</sup>. Бу давр рассомларининг асарларида аёллар образи ижтимоий ҳаётнинг меҳнаткаш қатнашчиси сифатида талқин этилди. Яъни гедонизм фалсафасининг ўрнини меҳнаткаш аёллар образлари эгаллади. Санъатда соцреализм мафкураси асосий услубга айлангани ушбу бўлимда ўрганилган.

1940 йиллардан бошлаб 1980 йиллагача совет рангтасвири даври бўлиб, бу даврда П.Беньков, Л.Насриддинов, Ч.Ахмаров, А.Абдуллаев, Ш.Хасанова (1930 – 1950 йиллар), Р.Аҳмедов, М.Саидов, Н.Кўзибоев, А.Абдуллаев (1950 – 1980 йиллар) Р.Чориев, В.Бурмакин, Ю.Талдикин (1960 – 1980 йиллар) ва бошқа рассомлар самарали ижод қилганлар.

1940 – 1960 йилларда рассомлар ижодида аёллар образи икки йўналишда яратилган. Биринчи йўналиш меҳнаткаш аёллар образи бўлса, иккинчи йўналиш тарафдори янги лирик ва романтик услуб муаллифи рассом Чингиз Ахмаров ижоди алоҳида кўриб чиқилган.

1960 – 1970 йилларга келиб бир гуруҳ таниқли ижодкор аёллар образлари (Зулфия, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева) ва ўтмиш шоиралари (Увайсий, Нодирабегим, Зебуннисо)нинг портретлари яратилгани таҳлил қилинган.

1980 йилларнинг 2 ярми совет тарихини ижтимоий танқид қилиш ва миллий маданий меросни бадиийлаштириш даври бўлди. Бу даврда С.Абдуллаев Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Мирзаев ва бошқа рассомлар ижодида аёллар образи алоҳида портрет сифатида кўзга ташланмайди. 1980 йиллар ўртасида кечган қайта қуриш жараёни ва 1991 йилда Мустақилликнинг қўлга киритилиши Ўзбекистон рангтасвирида янги тенденциялар пайдо бўлишида асосий омил бўлди. 1980 йилларнинг охирида совет санъатида қайта қуриш сиёсатининг натижаси сифатида социалистик санъат утопияларига тескари бўлган янгича ижтимоий талқин тамойили вужудга келди. 1980 йиллар охири ва бугунги кунгача тасвирий санъатда миллий ўзига хосликни излаш жараёни ушбу бўлимда очиб берилган.

Иккинчи боб **“Мустақиллик даври рангтасвирида аёллар образининг ўрни”** деб номланиб, у уч бўлимдан иборат. Ушбу боб тасвирий санъатда янги шаклларни вужудга келиши ва ривожланиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ёритади. Замонавий тасвирий санъатда она, аёл образи, ёш қизларнинг лирик романтик ифодалари талқин қилинди ва гендер тушунчаси кесимида ёритилди. Ҳамда соцреализм тарафдорлари назарга илмаган севги-муҳаббат мавзусининг мустақиллик даврига келиб долзарбланиши ушбу бўлимда таҳлил қилинган.

Бобнинг биринчи бўлими **“Ўзбек рангтасвирида она образининг ўзига хос бадиий услубий талқини”** деб номланган. Мазкур бўлимда Ўзбекистон замонавий тасвирий санъати вакиллари томонидан яратилган она мавзусига оид асарлар эстетикаси, уларнинг мазмуний интонацияси ва услубий

---

<sup>13</sup> Хақимов А. Марказий Осиё санъатида гедонизм. I қисм. Қадимги ва ўрта асрлар санъати. // SAN'AT, 2010. – №2.

жихатлари, дидактик ва оптимистик кайфият билан тўлиб тошган соцреализм санъатининг реалистик асарларидан фарқ қилиши ёритилган. Рассомлардан Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Нур, Л.Ибрагимов, Х.Зиёхонов, Ф.Аҳмадалиев, Б.Исмоиловларнинг ижодида яратилган она образи нафақат санъатшунослик нуқтаи назаридан балки гендер тушунчаси кесимида ёритилган.

1999 йилнинг мамлакатимизда “Аёллар йили”, 2001 йил “Она ва бола йили” деб эълон қилиниши, Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103-конвенцияси, 1995 йилда БМТнинг аёллар аҳволи бўйича IV Умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Пекин 55 ҳаракатлар платформаси, унинг муқаддимаси ва 12 бўлими аёллар аҳволини глобал даражада баҳолаш ва бутун дунёда аёллар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича стратегиялар, сиёсат ва чора-тадбирлар<sup>14</sup> тадқиқ этилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими **“Тасвирий санъатда ёш қизлар образининг лирик-романтик ифодаси”** деб номланади. Бўлимда 1990 йиллар янги ўзбек тасвирий санъати репертуарида машҳур бўлган ишқ ҳамда лирик романтик мавзу ҳам умумий гедонистик эстетиканинг қандайдир бир таркибий қисми сифатида Ўзбекистоннинг етакчи мўйқалам усталарининг бадиий онгидаги принципиал силжишларнинг кўрсаткичи бўлганлиги таҳлил қилинган.

Ушбу мавзуга бўлган муносабат янги ўзбек тасвирий санъати вакиллари томонидан ҳаётни идрок этишнинг нафақат тасвирий, балки дунёвий қарашларининг ўзига хос хусусиятларини артикуляция қилади, балки санъат вазибаларининг долзарблигини улар томонидан англанилишининг бир тури эмаслигини кўрсатади. Интонацион ўзига хос хусусиятлар, композицион ва тематик стандартни сақлашда мусаввирларнинг ҳар бири лирик шеърятнинг ушбу марказий мавзусини ифода этишда ўз идиоматик услубий усулларини излайдилар<sup>15</sup>. Ёш қизларнинг лирик романтик образлари, ишқ ҳамда севишганлар сиймоси кўпинча Библия, афсонавий ёки адабий манбалардан олиниши ёритилган.

Миллий-романтик йўналишдаги рассомлар Б.Жалолов, А.Нур, Ж.Умарбеков, Л.Ибрагимов, М.Исанов Г.Қодировлар учун аёл образини тасвирлашда Шарқ эстетикасининг нозик пластикасига бўлган содиқлик, маҳаллий бадиий мерос анъаналари билан боғлиқлик ҳамда дунёни гедонистик идрок қилинишини образли ифодалаш хосдир.

2000 йиллардан эътиборан қатор ўзбек рангтасвирчилари ижодида тарихни ва шахс фалсафасини, шу ўринда аёллар образи талқинида янги оҳанг пайдо бўлди. Бу рассомлар сафида М.Қорабоев, Б.Исмоилов, Т.Аҳмедов, З.Шарипова, Ф.Аҳмадалиев ва ёш рассомлар Д.Розиқов ҳамда С.Жабборовларни келтириб ўтиш мумкин.

<sup>14</sup> Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги. Тошкент давлат педагогика университети “INTELLEKT MANAGEMENT” консалтинг компанияси. Гендер тенглик. Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши кураш бўйича халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва миллий қонунчилик. – Тошкент, 2018.

<sup>15</sup> Ҳақимов А. Новая узбекская живопись: тематика и стиль. – Тошкент, 2014.



Мусаввирлар М.Қорабоев, Р.Ақромов, З.Шарипова, А.Насриддинов, Т.Аҳмедов, С.Жабборов ва бошқалар, ҳиссий асосларнинг девальвацияси устун бўлган, постмодернистик концепциясига хос янада рационал санъатга риоя қиладилар. Гедонизм фалсафа сифатида уларнинг ижодий ва фалсафий муҳокамасининг мавзуси бўлмаса-да, кўпинча, уларнинг мўйқаламига мансуб аёллар образининг талқинида ҳиссий асослар намоён бўлади. Бироқ у, уларнинг эстетикасини ўз ўзидан аҳамиятли ва барқарор принципи ҳисобланмаслиги асарлари орқали очиб берилган.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлими **“Аёллар образи оилавий мавзу кесимида”** деб номланади. Мазкур бўлимда ўзбек рассомлари бошқа соҳа вакиллари билан фарқли ўлароқ, оила мавзусига ўзгача бир нуқтаи назар билан ёндошишлари, улар ўз ижодида оиланинг муқаддаслигини, улкан бир кўрғонлигини тасвирлаб беришга урунишлари, мустақиллик йилларида ижод қилаётган рассомлардан Ж.Умарбеков, А.Нур, А.Мирзаев, Б.Жалолов, Ф.Аҳмадалиев, Ғ.Қодиров, Б.Исмоилов, Т.Фадеева, Х.Зиёхонов ва бошқа рассомлар ижодида оила мавзуси алоҳида ўрин тутиши ёритилган.

Лирик кечинмалар ва тасвирий санъатдаги эҳтирослар билан боғлиқ бўлган муҳаббат, севишганлар, қалин ўзаро муносабатлар, хуш кўриш ва ҳис-туйғуларни тасвирлаш поэтикасидан фарқли ўлароқ оила мавзуси жуда мураккабдир. Аллақачонлардир антик муаллифлар ҳам санъат турларини таснифлашда биринчи ўринни поэтикага беришган ва буни, инсоний ҳис-туйғуларнинг ҳаракатланишини тасвирлашда статик пластик санъатларга караганда поэтиканинг захиралари бойроқ дея асослашгани очиб берилган.

Учинчи боб **“Замонавий ҳайкалтарошлик, графика ва миниатюра санъатида аёллар образининг бадиий ифодаси”** деб номланган бўлиб, мазкур боб уч бўлим орқали ёритилади. Бобда маҳобатли ва дастгоҳли ҳайкалтарошликда яратилган аёллар образининг психологик томонлари, графика санъатининг долзарб муаммолари аёллар образи орқали очиб берилган ва замонавий миниатюра санъатида яратилган аёллар сиймосининг Шарқ гўзали ғояси кесимида яратилгани аниқланди.

Учинчи бобнинг биринчи бўлими **“Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида аёллар образи”** деб номланган. Дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг пластик санъати таъсирида замонавий бадиий жараёнга мойиллиги ортиб борди. Бир қатор ижодкорларнинг янги, умумжаҳон бадиий кашфиётларига асосланган йўналишга мурожаат этишлари замонавий ҳайкалтарошлик ривожини қувватлади. Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлигида оила мавзусининг тасвирланиши мураккаб композицияларни яратиш имконияти чекланганлиги боис ушбу мавзу оналар образи орқали очиб берилди. Ушбу мавзули ҳайкалтарошлик гарчанд анъанавий хусусиятини сақлаб турган бўлса-да, бироқ айрим жиҳатдан янги ёндашувларни ҳам намоён этди<sup>16</sup>.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлик йўналишида ижод қилган ҳайкалтарошлар Д.Рўзиев, А.Ҳотамов,

---

<sup>16</sup> Ўзбекистон санъати: Мерос талқини ва ижодий изланишлар. Республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2015. 72 б.

Ж.Миртожиев, Ж.Қуттимуродов, Т.Тожихўжаев, Т.Эсонов, Г.Султонова, Т.Ёрқулов, Қ.Норхўрозов, Ж.Ёрмухаммедов, Н.Неъматов, Ж.Анназаров, Ю.Келдиёровлар янги ёндошувларни шакллантиришда муносиб фаолият юритдилар. Улар бажарган аёллар ҳайкаллари мисолида анъанавий-реалистик йўналишлар давомийлиги билан бирга, замонавий тамойиллар ҳам ўзлаштирилганлиги кузатилди. Уларнинг ижодида аёллар образи тарихий ва портрет мавзуларидан ташқари, реализм, авангард, постмодернизмга мансуб кўникмалар ҳам ўзлаштирила бошланди.

